

---

## Ўзбек-қирғиз чегара олди ҳудудлари бизнес форуми – самарали ҳамкорлик сари муҳим қадам

Вилоятимизга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, экспорт ҳажмларини ошириш, янги товар номенклатураларини экспортга йўналтириш, ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш каби муҳим масалалар юзасидан аниқ чоралар ишлаб чиқилмоқда.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан очиқ мулоқотида берилган топшириқлари ижроси доирасида Учкўприк туманида “Ўзбек-қирғиз чегара олди ҳудудлари бизнес форуми” ўтказилди. Икки кун давом этган бизнес форум жараёнида қирғизистонлик меҳмонлар “Кўқон” эркин иқтисодий зонасида ишлаб чиқариш ва экспорт билан шуғулланувчи корхоналар, “Меҳригиё” корхонаси ва “Бобошбек” савдо комплексининг фаолияти билан яқиндан танишдилар. Фарғона вилояти ва Қирғизистон корхоналарининг маҳсулотлари кўзгазмаси кўздан кечирилди.

Бизнес форумни вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуриддин Мамажонов очиб берди. Қирғизистон Республикасининг Жалолобод, Ўш ва Боткен вилоятларидан иштирок этган вакиллар ҳам мазкур бизнес форумнинг икки ҳудуд савдо алоқаларини мустаҳкамлашдаги ўрни хусусида тўхталдилар. Фарғона ва Қирғизистон корхоналари иштирокида В2В мулоқотлар, икки томоннинг инвестициявий салоҳияти ҳақида тақдимотлар ўтказилиб, савдо ва инвестициявий келишувларга эришилди.

2024-12-12 14:13:02